

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

IF(Impact Factor)9.573 / 2024

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



SLIB.UZ
Scientific library of Uzbekistan

3/2024

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

Уйғун ҒАФУРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Муҳаммад АЙЁД (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Миср муфтийси

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича
қўмитасининг 2024 йил 23 сентябрдаги
03-07/5757-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Муҳаррир ўринбосари:

Зафар Фахриддинов,
*Исломишунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори*

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

«Мотуридийлик» журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги томонидан
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,
(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Qosimjon Sodiqov

Qur'oni karimning eski turkiy tildagi o'girmasi 4

Shukrullo Jorayev

Ханафий мазхабида тинчликнинг қадрланиши ҳамда уруш ва низоли вазиятларда инсонпарварлик тамойиллари 17

Ikhtiyor Abdurahmonov

XI-XII asrlarda Movarounnahrda ханафий-мотуридий тафсир мактаби ривожини 25

Abdullo Ghulomov

Махмуд Ломишийнинг «Тамхид» асарида имон ва унга боглиқ масалалар баёни 32

Zohidjon Abdullayev

«Сунани Термизий» асарида келган ақидага оид ҳадислар таҳлили..... 42

Abdulaziz Yakhshilikov

«Ta'vilot al-qur'on» asarida oyatlar sababi nuzulining rivoyat qilish uslublari 47

Doniyor Muratov, Robiyaxon Hamroqulova

Қуръон қиссалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 54

ДИНШУНОСЛИК

Jamshid Aliev

Сурия можаросида диний омилнинг ўзига хос хусусиятлари 62

Ulugbek Jurayev

Германияда экстремизмга қарши курашиш тажрибаси таҳлили 70

ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

Irodakhon Gafurova

Scientific research dedicated to the confessions of Turkistan 77

Zafar Fakhriddinov

Ҳаким Термизийнинг ислом манбалари шарҳига оид асарлари таснифи..... 83

Javohir Azimqulov

Arab istilosi davrida Turonda hunarmandchilik (VII asr o'rtalari- IX asr boshlari)..... 91

Abduvali Pardayev

Нусайр ибн Яҳё Балхий ҳаёти ва илмий фаолияти 97

Doniyor M. MURATOV,

*Associate Professor of the International
Islamic Academy of Uzbekistan.*

A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: doniyorhoji@mail.ru

Robiyaxon R. HAMROQULOVA,

*Master's student of the International
Islamic Academy of Uzbekistan.*

A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: robiya127@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-3/7

ҚУРЪОН ҚИССАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

STORIES OF THE QUR'AN AND THEIR SPECIFIC CHARACTERISTICS

КОРАНСКИЕ РАССКАЗЫ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

КИРИШ

Қуръон оятлари мавзу жиҳатидан учта катта гуруҳга бўлинади: тавҳид, ғайб масалалари, фаришталар, жинлар, жаннат, дўзах, шафоат, қиёмат билан боғлиқ ҳодисалар каби масалаларни баён қилувчи ақидавий оятлар; кейингиси таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж, ҳалол ва ҳаромга тегишли масалаларни баён этувчи оятларни ўз ичига олган фикҳий оятлар; учинчиси, қиссалар бўлиб, унда пайғамбарлар ва уларнинг уммати ҳамда турли қавмлар ўртасида бўлган воқеалар, солиҳ ва фожир кишилар, Муҳаммад (с.а.в.) даврида содир бўлган баъзи воқеалар зикр қилинган. Қуръонда исломдан илгари ўтган Пайғамбарлар, турли қавмлар ва шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятлари ҳақида маълумот берувчи оятларнинг сони 1000дан ортиқ (Абдуллаев А.Ғ., 2011:106). Қуръони каримда пайғамбарлар, солиҳ зотлар, ўтмиш қавмларнинг ҳаёти, уларнинг тарихи билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар оятлар асосида қиссалар кўринишида баён қилинган (Ҳомид Аҳмад Тоҳир, 2023:3).

АСОСИЙ ҚИСМ

Муҳаммад (с.а.в.)дан аввал ўтган қавмлар, пайғамбарлар ва турли кишилар ҳақида хабар

берувчи оятларни қиссалар деб номлаш ҳам анъанага айланган. Чунончи «қисса» сўзи араб тилидаги «قصة» (қисса, кўп. «قصص» (қисас) сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида тарих, ҳикоя, қисса, новелла, оғзаки хабар, ривоят қилинган хабар ва янгилик маъноларини англатади (Муродов Д. Маҳмасобирова Ф., 2019:62) ва ўзбек тилида ҳам айни маънода кенг қўлланилади.

Шунингдек, арабларда бир ишнинг ортидан эргашиш маъносида ҳам мазкур сўз ишлатилади. Жумладан, бирор кишининг ортидан изма-из юриш тушунилади ёки «қасос олиш», деганда ҳам қасос олувчини аввалги ишни содир этган одамнинг ишига эргашиши назарда тутилади (Аҳмад ибн Форис (нашр этилган йили кўрсатилмаган):11). Масалан, Мусо (а.с.)нинг онаси болани сандиқчага солиб, дарёга ташлагач қизига шундай дейди: «Унинг ортидан тушгин» (فُتِنَهِ) (Қасос, 11), шу билан бирга Каҳф сурасининг 64-оятда «(Мусо) деди: «Мана шу биз истаган нарсадир». Сўнг уни (Хизирни) излаб ортларига қайтдилар» (فُتِنَا) ҳам айни сўз ишлатилади (Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири, 2009:386). Айрим ўринларда сочни қайчи ёрдамида кесиш ва қирқиш маъноларида ҳам «قص» (қосса) сўзи ишлатилади. Қисса айтувчи кишилар эса «قاصص» (қосс), деб номланади (Мисрий, Ибн Манзур, (нашр этилган йили кўрсатилмаган):73-74). Қуръони каримнинг 26-оятда 30 марта «қисса» сўзи турли шаклларда қўлланилган (Yilmaz A., 2006:7). Жумладан, ўтган замон феълида 4 марта, ҳозирги келаси замонда 14, буйруқ феълида 2, масдар шаклида 6, қасос олиш шаклида 4 марта келган (Холидий, Салоҳ, (нашр этилган йили кўрсатилмаган):22).

Истилоҳий маънода қисса деб бирор нарс, кимса ва улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган ҳикоя, нақлга айтилади. Адабиётда, маълум воқеа-ҳодисалар ҳақида оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган эпик асар, ҳикоя, ривоятга қисса деб юритилади.

Қисса адабий жанр сифатида романга нисбатан тор ва соддалиги, ҳикоя билан солиштирганда эса кенг ва мураккаблиги билан ажралиб туради. Қиссага араблар: «Ҳодисалар ва турли амалларни луғавий услуб билан баён қилувчи, ҳамда кўзланган мақсад билан яқунланувчи ҳикоя» (Ашқар, Умар Сулаймон. 1997:12), – деб ҳам таъриф беришади. Адабий қиссалар бутунлай тўқиб чиқарилиши ёки ҳақиқат ва ҳаёлот олаmidан фойдаланилган ҳолда муаллиф тарафидан ёзилиши мумкин (Муъжам ал-васит, 2005:740).

Аннотация. Мазкур мақола ислом динининг бирламчи манбаси Қуръони каримда зикр этилган қиссалар ҳақидаги умумий маълумотларни жамлаган ва мавзуга доир муаллифларнинг таҳлил ва мулоҳазаларини ақс эттирган. Мавзунини очиб беришда қисса сўзининг лугавий ва истилоҳий маънолари, Қуръондаги қиссаларнинг ўзига хос жиҳатлари, бошқа қиссалардан фарқи, Қуръонда такрорланиши, давр эътиборидан турлари ва мавзуларига тўхталинган.

Қиссалар инсонларни онгига тезроқ етиб борадиган ҳалқона иборалар ишлатган ҳолда инсонга психологик таъсир ўтказиш воситаларидан бири ҳисобланади. Чунки, қисса мантиқий ўзаро бир-бирига мос тартибли, қисқа ҳолда келтирилгани учун ундан аҳамиятсиз тафсилотлар тушириб қолдирилади. Ундаги сюжетлар шу даражада кетма-кет ва бир бирига боғланган бўладики, қисса тингловчиси ё ўқувчиси уни ҳар доим қайсидир мақсадни ифода этишини сезади ва охиригача диққат ва қизиқишда бўлади. Қиссалар ўзининг тарбиявий ёндашувига эга: ақлни тарбиялаш, руҳни тарбиялаш, жисмни тарбиялаш, ўрнатқил билан тарбиялаш, насиҳат билан тарбиялаш.

Қуръон қиссаларида пайғамбарлар, уларнинг умматлари, яхши ва солиҳлар ҳамда гуноҳкор ва фосиқ инсонлар ҳаётидан сўз очиб уларнинг оқибатлари кўрсатилади ва улардан ибрат олишга чақирилади. Мухаммад (с.а.в.) ҳам қиссалар орқали умматларнинг оқибатларини мусулмонларга етказганлар ва бу билан ўз замондошларини огоҳлантирганлар.

Қуръон қиссаларининг ўзига хослигидан яна бири баъзи ўринларда асосий персонажнинг номи зикр қилинмайди. Шунингдек, воқеа бўлиб ўтган жой, санаси ҳам берилмаслиги мумкин. Шунинг учун қиссаларда фақат ибрат олишга эътибор қаратилган дейиш мумкин.

Калим сўзлар: қисса, ҳадис, қиссачи, ҳикоя, уммат, хабар, наба, ривоят.

Abstract. This article compiles general information about the stories mentioned in the Qur'an, the primary source of Islam, and reflects the analysis and insights of various authors on the topic. The discussion covers the lexical and terminological meanings of the word story, the unique characteristics of Qur'anic stories, their differences from other narratives, their repetition in the Qur'an, and their types and themes according to historical perspective.

Stories serve as a means of psychological influence, using familiar expressions that reach people's minds quickly. As stories are presented in a concise, logically ordered format, minor details are excluded, allowing the narrative to remain focused. The sequence and connection within the storyline are so seamless that listeners or readers perceive a clear purpose, maintaining their attention and interest throughout. Qur'anic stories also possess an educational approach: they aim to cultivate the mind, the spirit, the body, and to teach through examples and advice.

Qur'anic stories recount the lives of prophets, their communities, the righteous and virtuous, as well as sinners and wrongdoers, revealing their outcomes and encouraging reflection. Muhammad (peace be upon him) conveyed the fates of these communities to Muslims through stories, warning his contemporaries.

Another distinct feature of Qur'anic stories is that, in some instances, the main character's name is not mentioned, nor are the location and date of the events provided. This suggests that the primary focus of these stories is moral and spiritual reflection. Such stories are beneficial in educating the younger generation in alignment with national and spiritual values.

Keywords: story, hadith, storyteller, ummah, message, naba, narration.

Аннотация. В данной статье обобщены общие сведения об рассказах, упомянутых в первоисточнике ислама Коране, и включает в себя анализ и мнения различных авторов, касающихся данной темы. В статье рассматриваются лексическое и терминологическое значение слова «кысса» (рассказ), особенности рассказов в Коране, их отличие от других рассказов, повторяемость этих рассказов в тексте Корана, а также их типология и тематика с учетом исторического контекста.

Рассказы, как средство воздействия на сознание человека, использующие народные выражения и сжатую форму повествования, являются одним из способов психологического влияния. Поскольку рассказ представлен логически структурированно, с отбором ключевых деталей и без избыточной информации, он направлен на эффективное воздействие на читателя или слушателя. Сюжеты рассказов настолько взаимосвязаны и последовательны, что они вызывают у читателя ощущение целенаправленности, и его внимание сохраняется до самого конца повествования. Рассказы, в свою очередь, имеют воспитательную функцию: они обучают разуму, нравственности и духовности, а также способствуют моральному воспитанию через примеры и наставления.

В рассказах Корана говорится о пророках, их общинах, праведных и нечестивых людях, и показывается их конечная участь, с призывом к размышлению и извлечению уроков. Пророк Мухаммад (мир ему и благословение) также использовал эти рассказы для передачи уроков и предостережений своему народу, используя их как средство предупреждения и напоминания.

Одной из особенностей рассказов в Коране является то, что в некоторых случаях имена ключевых персонажей не упоминаются. Также в некоторых рассказах не указываются конкретные места или временные рамки событий. В таких случаях акцент делается исключительно на извлечении урока и воспитательном аспекте, а не на детальном изложении событий или конкретных персонажей.

Ключевые слова: рассказ, хадис, рассказчик, рассказ, умма, послание, наба, повествование.

Қисса ҳар бир халқ ва диний манбаларда бўлиб, унда аввал ўтган одамлар, уларнинг қилган ишлари ҳақида хабар берилади. Мазкур қиссалар орқали кишилар, айниқса ёшлар эслатма ва ибрат олишлари кўзда тутилган. Қиссалар билан амалга оширилган таълим жараёнида ўтмиш жамиятлари ва ҳозирги замон ўртасида кўприк қурилади. Вақт ва макондан ташқари учрашув бўлиб ўтади. Қиссалар билан улгайган бола ўтмиш ва ҳозирги замон ўртасидаги кўприкдан ўтиб, вазиятга баҳо бериш имконига эга бўлади. Замонлар ҳар хил бўлса-да, муаммолар ва одамлар бир хил хусусиятларга эга экани тушунилади.

Қиссаларнинг диний, таълимий, яхшиликка чорлов ва ёмонликдан қайтариш, ваъз-насихат қилиш, тавбага чақириш ва бошқа мақсадлари бўлган. Қуръон қиссалари инсонлар учун ибратлар, дарслар, ваъз-насихатлар, турли ақидавий, илмий, тарихий, адабий ва бирор мавзуги оид маълумотларни тақдим этган.

Шунингдек, қиссалар адабиётнинг ўзига хос жанри бўлиб, инсонлар ундан ибрат оладилар, унга эргашадилар, ҳиссиётларини уйғотадилар.

Қуръондаги қиссаларга нисбатан ҳикоя атамаси қўлланилмайди, сабаби ҳикоя сўзи бир нарсага ўхшабини келтириш маъносини англатиб, араблар тарихда бўлган ва бўлмаган ҳар қандай воқеаларни ҳикоя, дейдилар. Бу эса Қуръон қиссаларининг моҳиятига зиддир (Ҳафиз Сейхан В., 2006:6), зеро Қуръонда «**Албатта, бу ҳақ-рост қиссадир**» (Оли Имрон, 62), дейилган, яъни мазмунан, моҳиятан ва маъно жиҳатидан тўғри, ишончли қисса (Ҳолидий, Салоҳ, (нашр этилган йили кўрсатилмаган):30). Бинобарин, Қуръон қиссаларининг хусусиятларидан бири ҳам уларнинг воқеликда бўлиб ўтганидир (Ҳамдий, Маҳмуд таҳрири остида, 1999:197). Шунингдек, Қуръонда ҳикоя сўзи қўлланилмаган.

Қуръоннинг ажралмас қисми сифатида Қуръони каримоятларида зикр қилинган қиссалар ҳам ваҳийнинг бир бўлаги ва ислом таълимотларига кўра мутлақ ҳақиқатдир (Ҳатиб А., 1975:37; Мирқаҳ Ҳатиб А., 2009:48). Адабий қиссалар ҳаёт ва ҳаёлот оламнинг маҳсули бўлиб, унинг манбаси башар тафаккуридир.

Қуръоннинг ўзида ўтмишда воқе бўлган айрим ҳодисаларга нисбатан хабар атамаси ҳам келади (Аҳмад, Заҳро. 2002:28). Қисса ва хабар орасида бир қанча фарқлар мавжуд. Жумладан, ҳар қандай қисса хабар ҳисобланади, лекин ҳар бир хабар қисса бўла олмайди. Масалан, Аллоҳ осмонлар ва Ерни, фаришталарни, жинларни яратиши,

Пайгамбарлар, ҳамда уларнинг оталарининг исмлари хабар бўлиб, қисса ҳисобланмайди. Аммо, Пайгамбарлар ва уларнинг қавмлари билан содир бўлган воқеаларнинг зикр қилиниши, яхшилар ва фожирлар орасидаги кураш қабилар қиссадир (Ашқар, 1997:12). Шунга кўра ҳикоя атамаси Қуръон қиссаларига қўлланилмаслиги сабаби унинг ҳаётда бўлмаган, тўқима ҳодисаларни ҳам билдириши бўлса, хабар қиссадан кўра умумийроқ маънони касб этади.

Қуръон қиссалари бу Қуръони каримдаги ўтган умматлар, аввалги пайгамбарлар ва Қуръон нозил бўлаётган вақтдаги ҳодисалар ҳақидаги хабарлардир (Шарковий, Аҳмад Муҳаммад, 2001:24). Шунингдек, Қуръони каримда ҳам бир неча ўринларда Аллоҳ ўтган умматларнинг хабарларини келтириб, уларга қиссалар, деб ном берган. Жумладан, «(Эй, Муҳаммад!) Биз сизга ўтиб кетган (авлод)лар хабарларидан шу тарзда (қисса қилиб) сўзлаб берурмиз» (*Тоҳо сураси, 99-оят*), «Сизга (эй, Муҳаммад), Пайгамбарларнинг хабарларидан дилингизга сабот бахш этадиганларини айтиб бермоқдамиз. Бу (қиссалар)да ҳақиқат, мўминлар учун насихат ва эслатма келгандир» (*Ҳуд сураси, 120-оят*) (Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири, 2009:235), «Биз сизга Қуръон (сураси) ни ваҳий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз» (*Юсуф сураси, 3-оят*) оятларини келтириб ўтиш мумкин. «Гўзал қисса» маъносида «аҳсан ал-қасаси» ибораси ишлатилган бўлиб, бу маъно нафакат Юсуф сураси, балки Қуръони каримдаги барча қиссаларга нисбат берилади (Зийдан А., 1998:5). Аллоҳ таолонинг ўзи Қуръондаги ўтган қавмлар билан содир бўлган воқеаларни «қисса» атамаси билан зикр қилган.

Шунингдек, Қуръонда қисса, хабар маъносида «ҳадис» ва «наба» (кўп. «анба») лафзлари қўлланилган ўринлар ҳам мавжуд. Жумладан, Тоҳо сураси 9-оят, Нозот сураси 15-оят ўринларда «ҳадис» сўзи ишлатилган (Ҳазіци Е., 2019:15). Узоқ ўтмишда содир бўлган ҳодисаларга нисбатан эса «наба» сўзи қўлланилган. Бунга мисол тариқасида Қаҳф сураси 64-оят, Ҳуд сурасининг 49-оят, Қасос сурасининг 11-оят ва бошқа оятларни келтириш мумкин (Мирқаҳ Ҳатиб А., 2009:37-38).

Ўрни келганда айтиш лозимки, Қуръон қиссалари Қуръони каримнинг ўзига хос тарзидаги услубда берилган, яъни масалаларни тўлиқ ва дақиқ жойларига эришмаган. Балки, оятларда сўз бораётган масалага қиссанинг мос жой-

ларини келтириш билан кифояланган. Шунинг учун қиссалар баъзан узун, баъзан қисқа тарзда келтирилган.

МУҲОКАМА

Тарихан, пайғамбарлар ўзлари яшаб турган жойдаги инсонлар учун элчи этиб юборилганлар. Улар у жойда ўн йиллаб яшаганлар, ҳатто ўша жой одамлари орасида туғилиб катта бўлганлар ва одамлар уларни жуда яхши таниганлар. Аммо, Қуръонда аксар ҳолларда уларнинг ҳаётидан фақат тарқоқ маълумотлар келтирилади (Холидий, Салоҳ, нашр этилган йили кўрсатилмаган:40). Жумладан, баъзи кишиларнинг исми ёки жой номлари айtilмайди, воқеа бўлиб ўтган давр кўрсатилмайди. Шу жиҳатдан замон ва макон тушунчалари Қуръон қиссаларида бирламчи масалалар қаторига кирмайди (Миркаҳ Хатиб А., 2009:40). Бу ҳолат Қуръон қиссаларининг ўзига хос услуби бўлиб, уни ўқиётган инсон иккиламчи жиҳатларга эътибор қаратмаслиги ва оятнинг мазмун ҳамда моҳиятидан келиб чиқадиган ваъз, насиҳат ва кўрсатмаларга амал қилишига эътиборни қаратади. Кейинчалик, муфассир олимлар томонидан Қуръондаги ноаниқликларни кўрсатиб берувчи «Мубҳамот ал-Қуръон» туркумидаги асарлар ёзилган.

Қуръонда Аллоҳ қиссаларни ўз Пайғамбарига айтиб беришни зиммасига олган ва шу билан бирга Пайғамбар (с.а.в.)га ҳам Қуръоний қиссаларни одамларга сўзлаб беришни буюрган. Жумладан, «(Эй, Муҳаммад!) оятларимизни келтирганимизда улардан чиқиб кетган (амал қилмаган) одамни шайтон (ўзига) эргаштириб олгани, натижада (у) адашганлардан бўлиб қолгани (ҳақидаги қисса) ни уларга ўқиб беринг! Агар хоҳлаганимизда, уни улар (оятлар) сабабли (мартабасини) кўтарган бўлур эдик. Лекин, у ерга хирс қўйди ва (нафе) ҳавосига эргашди. Унинг мисоли гўё бир итдирки, унга ҳамла қилсанг ҳам (тилини осилтириб) хансирайди, ўз холига қўйсанг ҳам хансирайверади. Бу ўша оятларимизни ёлғонга чиқарган қавм кишиларининг мисolidир. Бу қиссаларни (уларга) айтиб беринг, шояд тафаккур қилсалар! оятларимизни ёлғонга чиқарган қавм кишиларининг мисоли қандай ҳам хунукдир?! (Улар) ўзларига зулм қилар эдилар» (Аъроф сураси, 175-177-оятлар).

Баъзи муфассирларга кўра, Қуръони каримнинг учдан бир қисмини, бошқа бир муфассирларга кўра эса, учдан икки қисмини қиссалар ташкил қилади (Nurefşan Avseren Z., 2020:37). Қуръон ўттиз жуздан иборат бўлса, қиссалар шундан саккиз жузга яқинини ташкил қилади (Холид Сулаймон, 1996:23). Бу ҳулосалар мутлақ аниқ қийматни бермаса-да, мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръоннинг салмоқли қисмини қиссалар ташкил этишини ифодалайди.

Қиссаларда энг кенг қўлланиладиган муҳим воқеалар бу пайғамбарларнинг ҳаёти ва фаолиятидир. 1328 оятда пайғамбарлар билан содир бўлган қиссалар зикр қилиниб, бу жами қиссалар баён қилинган оятларга нисбатан 72,7 фоизни ташкил қилади (Еуёроғлу О, 2009:106). Ҳатто, баъзи, «Қасас», «Юсуф» суралари деярли тўлиғича қиссалардан иборат (Холидий, Салоҳ, нашр этилган йили кўрсатилмаган:27). Қиссаларда пайғамбарлар ҳаётига бу қадар кенг ўрин берилишининг сабабларидан бири сифатида, албатта, улар ўзларининг юксак ахлоқий фазилатлари билан барча инсоният учун ўрнак эканлидир.

Олимлар ўз тадқиқотлари давомида Қуръон қиссаларини адабиётнинг бошқа турларидан ажратиб турадиган ўзига хос услублари борасида қуйидаги ҳулосаларни айтиб ўтганлар. Буларни ислом манбаларидаги қиссаларда ҳам кўриш мумкин:

- ривоят услубининг умумий сифати. У шу даражада кетма-кет ва бир бирига боғланган бўладики, ўқувчи уни ҳар доим қайсидир мақсадни ифода этишини сезади ва охиригача диққат ва қизиқишда бўлади;

- қисса мантикий ўзаро бир-бирига мос тартибли, қисқа келтирилган бўлади ҳамда ундан аҳамиятсиз тафсилотлар тушириб қолдирилади;

- қисса, тавсиф, диалогларда услуб турли хил бўлади;

- қиссада бўлаётган воқеаларга боғлиқ иборалар осон ва аниқ тузилган бўлиши;

- қисса узлуксиз келмайдиган, матнда тушуниладиган бош маънога эга бўлади (Ашқар, Умар Сулаймон. 1997:12-13);

- асосий қахрамон атрофига бирлашган бир неча персонажлар мавжуд бўлади;

- бош қахрамон ҳаётида рўй берган барча воқеаларни батафсил тасвирлаш шарт эмас, шунинг учун шахс ҳаётининг маълум даври

ёритилиши лозим. Шунда ҳам шахснинг бир ёки бир неча эпизоди танлаб олинади;

- қисса қаламга олган ижтимоий мазмун кенг ва чуқур бўлади;

- қисса мураккаб ҳаётӣ жараёни, кенг қамровли воқеаларни узлуксиз равишда тасвирламайди (Шермуродов Т.).

Қуръондаги бир қисса бир неча ўринларда келтирилади (Хатиб А., 1975:231). Масалан, Бақара сурасининг 34-оятда Одам (а.с.) ва Иблиснинг қиссаси қисқача берилди: «Эсланг, (эй, Муҳаммад,) Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» - деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат, Иблис бош тортиб, қибр қилди ва кофирлардан бўлди». Аъроф сурасининг 11-13-оятларида эса ушбу ҳодиса тўлиқроқ баён этилади: «Албатта, (Биз) сизларни (Одам Атони) яратдик, сўнгра сизларга (унга) суврат бердик, сўнгра фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» - дедик. (Улар) сажда қилдилар, илло Иблис сажда қилувчилардан бўлмади. (Аллоҳ) айтди: «Сенга буюрганимда сажда қилишингга нима монелик қилди?» У деди: «Мен ундан яхшиман, мени оловдан яратгансан. Уни (Одамни эса) лойдан яратдинг». Айтди: «Ундан (жаннатдан) чик! У ер (жаннат)да такаббурлик қилишинг сенга (жоиз) эмас. Бас, чик! Албатта, сен ҳақирлардандирсан».

Имом Заркаший (ваф. 794/1392 й.) ўзининг «ал-Бурхон фи улум ал-Қуръон» асарида айнан қиссаларнинг такрорланишидаги бир қанча ҳикматларни ёзади. Биринчиси, қачонки қиссалар такрорланса, уларда бирор нарса зиёда қилинади. Бунга Мусо (а.с.) билан содир бўлган воқеаларни мисол қилиш мумкин. Бу балоғат билан сўзловчи нотикларнинг услублардан биридир. Иккинчиси, агар қиссалар такрор-такрор зикр қилинмаганида Мусо (а.с.) қиссаси бир қавмга, Исо (а.с.) қиссаси бошқа қавмга, бошқа қиссалар ҳам шу каби муайян қавмга нозил қилинган бўлар эди. Аллоҳ таоло уларнинг барчаларини бу ишда шерик бўлишини ирода қилган. Учинчидан, Пайғамбар (с.а.в.) қалбига сабот бериш учун, бунга «(Эй Муҳаммад), сизга пайғамбарларнинг хабарларидан дилингизни мустаҳкам қиладиган қиссаларни сўйлаб берурмиз» (Ҳуд сураси, 120)-оятӣ далил бўлади (Заркаший, Муҳаммад. 2006:637-638). Булардан ташқари, қиссаларда нақл қилинаётган ғоя ва мақсадларнинг хилма-хиллиги; замоннинг эътиборга олинаши ва ўша замон аҳлининг ҳолатини кўрсатиш ва бошқалар (Рашидов А., 2024:158).

НАТИЖА

Қуръон қиссаларидаги шахсларни икки қисмга бўлиш мумкин:

Биринчиси, Одам (а.с.), Нух (а.с.), Ҳуд (а.с.), Солиҳ (а.с.), Иброҳим (а.с.), Исмоил (а.с.), Яъқуб (а.с.), Исҳоқ (а.с.), Юсуф (а.с.), Довуд (а.с.), Муҳаммад (с.а.в.) ва бошқа пайғамбарлар. Масалан, «Иброҳимга қавми устидан берган ҳужжатимиз ана шудир... Унга (Иброҳимга) Исҳоқ ва Яъқубни ато этдик. Ҳаммасини ҳидоятга йўлладик. Олдин Нухни ҳам ҳидоятга йўллаган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам йўлладик)... Закариё, Яҳё, Исо ва Илёсни (ҳам ҳидоятга йўлладик)... Исмоил, Аляса, Юнус ва Лутни ҳам (ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаларини оламлар узра афзал қилдик» (Анъом сураси, 83-86-оят).

Иккинчиси, пайғамбар бўлмаган инсонлар, Ҳорут ва Морут қиссаси, шанба куни, Чоҳ эгалари, Ғор эгалари, икки Боғ эгалари ва бошқа шахсларга бағишланган қиссалар. Жумладан, «Уларга Одамнинг икки ўғли (Қобил ва Ҳобил) ҳақидаги хабарни ҳақиқати билан ўқиб беринг!» (Моида сураси, 27-оят), «Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга» (Бақара сураси, 102-оят), «Каҳф» (ғор) ва «Рақим» (битик) эгаларини Бизнинг мўъжизаларимизнинг энг ажойибидан» (Каҳф сураси, 9-оят).

Шу билан бирга, қиссаларда баъзи шахслар ҳам зикр қилинганки, уларнинг улуғ зотлар бўлиб, уларнинг пайғамбарлиги борасида аниқ маълумотлар келмаган. Масалан, «Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик» (Луқмон сураси, 12-оят) «Бас, бандаларимиздан бир бандани (Хизрни) топдилар. Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган» (Каҳф сураси, 65-оят), «Биз: «Эй, Зулқарнайн!...» (Каҳф сураси, 86-оят) оятларидаги шахсларни келтириш мумкин.

Қуръондан Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаётлик чоғида содир бўлган воқеалар билан боғлиқ қиссалар ҳам ўрин олган. Жумладан, Оли Имрон сурасидаги Бадр ва Уҳуд ғазотлари, Тавба сурасидаги Ҳунайн ва Табук ғазотлари, ҳижрат, Исро ва шу каби воқеаларга доир оятлар (Шарқовий, Аҳмад Муҳаммад, 2001:25).

Қуръон қиссаларини нубувват жиҳатидан пайғамбарлар ва пайғамбар бўлмаганлар қиссаларига ёки аниқлик тарафидан қатнашувчиларнинг исмлари очиқ-ойдин айтилган ва

исмлари зикр қилинмасдан, номаълум қолганлар қиссалари тарзида ҳам тақсимлаш мумкин. Қуръонда жами 25 пайгамбарнинг исмлари келтирилган бўлиб, улардан фақат тўрттаси арабчадир: Худ, Солих, Шуайб ва Муҳаммад (с.а.в.) (Суютий, Жалолiddин, 2008:683).

Юсуф (а.с.) ва Ғор эгалари каби баъзи қиссалар бир ўринда бошидан-охиригача зикр қилинса, бошқалари Иброҳим ва Мусо (а.с.) қиссалари каби турли ўринларда келтирилади (Холид Сулаймон, 1996:25).

Чунончи, «Сиз эса, (эй, Муҳаммад!) ундан (ваҳийдан) олдин (қиссалардан) беҳабарлардан (бири) эдингиз» (*Юсуф сураси, 3-оят*), дейилганидан ваҳий орқали Муҳаммад (с.а.в.) га қиссаларнинг ўргатилиши ва у зотнинг пайгамбарликларини тасдиқлаш ҳам бор.

Шайх Муҳаммад Ғаззолий шундай ёзади: «Қиссалар исломни тушунтириш, унинг даъватини баён қилиш ва таълимотларини қалблар билан уйғунлаштиришда энг кўзга кўринган Қуръон услубларидандир» (Ғаззолий, Муҳаммад. 2005:95).

Қуръоний қиссалар инсонларни фикрлашга чорлайди. Жумладан, «Бу қиссаларни (уларга) айтиб беринг, шояд тафаккур қилсалар!» (Аъроф, 176). Шу билан бирга қиссалар инсонларни ибрат олишга чақиради, масалан, «Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун (катта) ибрат бордир» (*Юсуф сураси, 111-оят*), «Албатта, бунда кўзли (доно) кишилар учун ибрат бордир» (Оли Имрон, 13). Бу билан инсонлар ваъз-насихат олишлари ҳамда ўтган, адашган ва Аллоҳнинг азобига учраган қавмларнинг йўлларида юрмасликка чақиради. Шунингдек, Қуръоний қиссалар инсонлар қалбини сабот, қатъиятли бўлишга чақиради, хусусан, «(Эй, Муҳаммад алайҳис-салом!), Биз Сизга пайгамбарларнинг хабарларидан дилингизни мустаҳкам қиладиган барча қиссаларни сўйлаб берамиз ва бу қиссаларда Сизга ҳақиқат ҳамда барча мўминлар учун панд-насихат ва эслатмалар келди» (Худ сураси, 120-оят). Айниқса, бу оят Худ сурасининг охириги оятлари бўлиб, сура давомида Нух, Солих, Иброҳим, Лут, Шуайб, Мусо (а.с.)лар қиссаларидан кейин келиши диққатга сазовор бўлиб, юқоридаги оят қиссалар хулосаси сифатида келтирилмоқда. Зеро, қиссалар биринчи навбатда Муҳаммад (с.а.в.) учун сабот бахш этган.

Хатто, инсонлар ер юзида юриб олдинги қавмларнинг оқибатларини кўришларига чақиради. Жумладан, «Сизлардан илгари кўп (ибратли) воқеалар бўлиб ўтган. Ер юзи бўйлаб сайр

қилингиз ва (ҳақни) ёлгонга чиқарувчилар оқибати қандай бўлганига (ибрат назари билан) боқингиз!» (Оли Имрон сураси, 137-оят).

Қисса такрор келтирилгани билан, унинг баён этилиш услубида фарқ кузатилади, бир ўринда бошқасида учрамаган маълумотлар билан ходисанинг бошқа тарафлари кашф этилади. Ёки балогат жиҳатидан бир лафз ўрнига бошқаси қўлланилади, сўзлар кетма-кетлиги ўзгаради (Маккий, Ибн Ақийла, 2006:368-370). Олимлар орасида одамлар Қуръон қиссаларида такрорланиш бор десаларда, аслида ҳар бир такрорланиш суръатидаги ҳолат воқеани тўлдиради, ёки бошқа услубда уни янада очиб беради ва бу нарса айнан такрорланишни инкор қилади деган қараш ҳам мавжуд (Зайдон А., 1998:6). Умуман олганда Қуръон қиссаларининг такрори оятларнинг маъно ва лафзларини чуқурроқ англашга хизмат қилади. Бир ўринда маълум мақсадда келтирилган қисса, иккинчи ўринда бошқа мақсадни ифодалайди ва қиссанинг зикр қилиниш услуби бир-бирдан фарқ қилади.

Ғарб шарқшуносларига кўра, гарчи Қуръон тарих илмига бағишланган бўлмаса-да, у ҳайратланарли даражада ўтмиш воқеалари билан боглик (Dammen McAuliffe J, 2002:428).

Қуръон қиссалари қанчалик аҳамиятли бўлмасин, илк ва ўрта асрларда алоҳида ўрганилмаган. Балки тафсир ва тарих илмларининг ичида тадқиқ этилган. Муфассирлардан Ибн Жарир Табарий, Ибн Касир ва Алоуддин Хозинлар ўз тафсирларида қиссаларга батафсил тўхталиб ўтишган. Қуръон илмларига бағишланган асарларда ҳам қиссалар алоҳида мавзу остида ўрганилмаган (Абдуллаев А., 2011:107). Бунга мисол тариқасида Қуръон илмларига бағишланган Жалолiddин Суютийнинг «ал-Итқон фи улум ал-Қуръон», Имом Заркашийнинг «ал-Бурҳон фи улум ал-Қуръон» асарларини келтириш мумкин. Шу тарзда XX асрнинг 40-йилларида Қуръондаги қиссалар алоҳида йўналиш сифатида шаклланди. 60 йилларга келиб эса, бу соҳада кўплаб китоблар вужудга келди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, қиссалар ислом тарихида ўзига хос ўринга эга бўлиб, асосан шарқ халқларида учрайдиган адабиёт жанри. Қисса тарихда ўтган машҳур киши, бир неча кишилар ёки бир халқ ҳаётини муайян даврини қисқача ёритиб беришда ва улардан ибрат олишга қаратилган

мухтасар ҳикоя тури. Бироқ ислом тарихидаги ва халқ орасида тарқалган қиссалар билан уларнинг фарқи мавжуд.

Қуръон қиссаларининг адабий жанрдаги қиссалар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бор. Қуръон қиссаларида воқеликда бўлиб ўтган ҳодислар зикр қилинса, адабий жанрда фантастик қиссалар ҳам бор. Қисса романдан торлиги ҳикоядан кенглиги билан ажраб турса, Қуръон қиссалари ўта қисқа ёритилиши билан фарқ қилади.

Ислом динининг муқаддас манбаси бўлмиш Қуръони каримда ҳам қиссалар зикр қилинган бўлиб, улар асосан инсонларни тўғри йўлга бошлаш учун ва ибрат олишлари учун тез-тез эслатилган.

Қиссалар орқали ўтмиш халқларнинг орасида машҳур кишиларни ўрганиш, бўлиб ўтган воқеанинг моҳиятини ҳамда содир бўлган ишларнинг оқибатини кўриш мумкин бўлади. Ҳатто, ўша даврда олдинги қавмларнинг ёмон оқибатларини араблар ўз кўзлари билан кўрганлар. Шунингдек, Қуръоний қиссаларда арабларга маълум бўлган қавмлар билан уларга номаълум бўлган қавмларнинг қиссалари эслатилган.

Ҳар бир қисса оятнинг сиёқидан келиб чиққан ҳолда келтирилган бўлгани учун баъзи қиссалари такрор бўлиб кўринади. Аслида эса, бир оятдаги қиссани бошқа оятдаги қисса билан тўлдирилади ҳамда аввалида зикр қилинмаган жиҳатлар билан кейингисида келтирилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Dammen McAuliffe J. (2002). *Encyclopaedia of the Qur'ān*. Boston: Brill.
2. Eyüpoğlu O. (2009). *Günümüze Bakan Yönleriyle Peygamber Kıssaları (Sosyolojik ve Pedagojik Açıdan)*. Samsun'da Kur'an Günleri // Kur'an Sempozyumu Kur'an ve Risalet. Anqara: Fecr Yayınları.
3. Nurefşan Avseren Z. (2020). *Şahsiyet eğitimi açısından Kur'an kıssalarında kadın davranışları*. Malatya: İnönü üniversitesi sosyal bilimler enstitüsü.
4. Yaşar Seyhan B. (2006). *Kitab-i mukaddes ve Kur'an'daki kıssaların karşılaştırılması*. Kahramanmaraş: Kahramanmaraş sütçü imam üniversitesi sosyal bilimler enstitüsü.
5. Yazıcı E. (2019). *Yemen bölgesiyle ilgili Kur'an kıssalarının tarihsel ve kültürel açıdan tahlili*. Adana: Çukurova üniversitesi sosyal bilimler enstitüsü.
6. Yılmaz A. (2008). *Kur'an'daki kıssaların din eğitimi açısından değerlendirilmesi*. Sakarya: Sakarya üniversitesi sosyal bilimler enstitüsü.
7. Ибн Асир, Иззуддин. (1987). *Ал-Камил фит Тарих*. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
8. Абдуллаев А. Ғ. (2011). *Қуръоншунослик*. Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
9. Миркаҳ Хатиб А. (2009). *Оёт ат-тарбия фи-л-қисос ал-Қуръоний*. Омдурман: Жомеа Умму Дурмон ал-исломия.
10. Аҳмад ибн Форис. (нашр этилган йили кўрсатилмаган). *Мўъжам мақойис ал-лугот*. Байрут: Дар ал-фикр.
11. Аҳмад, Захро. (2002). *Ал-Қиём ат-тарбавий фи-л-қисас ал-Қуръоний*. Хартум: Жамиаъ ал-Хартум.
12. Ашқар, Умар Сулаймон. (1997). *Саҳиҳ ал-қасас ан-Набавий*. Урдун: Дор ан-нафоис.
13. Ғаззолий, Муҳаммад. (2005). *Назарот фи-л-Қуръон*. Қоҳира: Нахда Миср.
14. Заркаший, Муҳаммад. (2006). *Ал-Бурхон фи улум ал-Қуръон*. Қоҳира: Дор ал-ҳадис.
15. Заҳир Ҳафиз А. (1990). *Ал-Қисос ал-Қуръоний байна ал-або ва-л-абно*. Дамашқ: Дор ал-калам.
16. Зийдан А. (1998). *Ал-Мустафад мин қисос ал-Қуръон*. Байрут: Муассаса ар-рисола.
17. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. (2009). *Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур*. Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт матбаа бирлашмаси.
18. Маккий, Ибн Ақийла. (2006). *Аз-Зиёда ва ал-эҳсон фи улум ал-Қуръон*. Шаржа: Жомеа аш-Шариқа.
19. Маҳаллий, Жалолиддин, Суютий, Жалолиддин. (2016). *Тафсир ал-имомайн Жалолайн*. Байрут: Дор ибн Касир.
20. Мисрий, Ибн Манзур. (нашр этилган йили кўрсатилмаган). *Лисон ал-араб*. Байрут: Дар ас-содир.
21. Муродов Д. Маҳмасобирова Ф. (2019). *Ҳадис адабиётида қисса жанри*. Имом Бухорий сабоқлари. Т.: №1.
22. Мўъжам ал-васит. (2005). Қоҳира: Мактаба лишурук ад-давлиа.
23. Рашидов А. (2024). *Қуръон илмлари*. Т.: Мунир.
24. Суютий, Жалолиддин. (2008). *Итқон фи улум ал-Қуръон*. Байрут: Муассаса ар-рисола.
25. Хатиб А. (1975). *Қисос ал-Қуръан мантуқиҳи ва мафҳумиҳи*. Байрут: Дор ал-маърифат.
26. Холдаров Д. (2017). *Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари мисолида)*. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: Фан ва таълим полиграф.
27. Холид Сулаймон. (1996). *Аш-Шахсият фи ал-қисос ал-Қуръоний*. Ирбид: Жамиаъ ал-Ярмук.
28. Холидий, Салоҳ. (нашр этилган йили кўрсатилмаган). *Ал-Қасас ал-Қуръоний*. Димашқ: Дор ал-калам.
29. Ҳамдий, Маҳмуд таҳрири остида. (1999). *Ал-Мавсуа ал-Қуръоний ал-мутахассиса*. Қоҳира: ал-Азҳар.

30. Ҳомид Аҳмад Тохир. (2023). Қуръоний қиссалар / таржимон А.Зайриев. Т.: Шамсуддинхон Бобохонов.
31. Шарқовий, Аҳмад Муҳаммад. (2001). Ал-Маръа фил-қисас ал-Қуръоний. Қоҳира: Дор ас-салом.
32. Мўъжам мусталаҳот ал-улум аш-шаръия. (2017). Ар-Риёд: Мактаба ал-малик Фаҳд ал-ватаний.
33. Шермуродов Т. Қиссалар, алқиссалар... / <http://www.e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/550-maqola.html>.

REFERENCES

1. Dammen McAuliffe, J. (2002). *Encyclopaedia of the Qur'an*. Boston: Brill.
2. Eyüpoğlu, O. (2009). *Günümüze Bakan Yönleriyle Peygamber Kısaları (Sosyolojik ve Pedagojik Açidan). Samsun'da Kur'an Günleri // Kur'an Sempozyumu Kur'an ve Risalet*. Ankara: Fecr Publications.
3. Nurefşan Avseren, Z. (2020). *Şahsiyet eğitimi açısından Kur'an kıssalarında kadın davranışları*. Malatya: Institute of Social Sciences of İnönü University.
4. Yashar Seyhan, B. (2006). *Kitab-i mukaddes ve Kur'an'daki kıssaların karşılaştırılması*. Kahramanmaraş: Institute of Social Sciences of Kahramanmaraş Sütçü İmam University.
5. Yazıcı, E. (2019). *Yemen bölgesiyle ilgili Kur'an kıssalarının tarihsel ve kültürel açıdan tahlili*. Adana: Çukurova University Institute of Social Sciences.
6. Yılmaz, A. (2008). *Kur'an'daki Kıssaların Din Eğitimi Açısından Değerlendirilmesi*. Sakarya: Institute of Social Sciences of Sakarya University.
7. Ibn Asir, Izzuddin. (1987). *Al-Kamil fi at-Tarikh*. Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
8. Abdullaev, A. G. (2011). *Quran Studies*. Tashkent: Tashkent Islamic University Publishing-Printing Association.
9. Mirkah Khatib, A. (2009). *Ayat at-Tarbiya fi al-Qisas al-Qur'ani*. Omdurman: Jamia' Omdurman al-Islamiya.
10. Ahmad ibn Faris. (n.d.). *Mu'jam Maqayis al-Lughat*. Beirut: Dar al-Fikr.
11. Ahmad, Zahra. (2002). *Al-Qiyam at-Tarbawiyah fi al-Qisas al-Qur'ani*. Khartoum: Jamia' al-Khartoum.
12. Ashkar, Omar Suleiman. (1997). *Sahih al-Qasas al-Nabawi*. Jordan: Dar an-Nafa'is.
13. al-Ghazali, Muhammad. (2005). *Nazareth fi al-Qur'an*. Cairo: Nahda Misr.
14. al-Zarkashi, Muhammad. (2006). *Al-Burhan fi Ulum al-Qur'an*. Cairo: Dar al-Hadith.
15. Zahir Hafiz, A. (1990). *Al-Qisas al-Qur'ani Bayna al-Aba wa-l-Abna*. Damascus: Dar al-Kalam.
16. Zaydan, A. (1998). *Al-Mustafad min Qisas al-Qur'an*. Beirut: Mu'assasa ar-Risala.
17. Abdulaziz Mansur. (2009). *Translation and Interpretation of the Meanings of the Holy Qur'an*. Tashkent: Tashkent Islamic University Publishing House.
18. Ibn Aqila al-Makki. (2006). *Az-Ziyada wa al-Ihsan fi Ulum al-Qur'an*. Sharjah: Jamia' al-Shariqa.
19. al-Suyuti, Jalaluddin & al-Mahalli, Jalaluddin. (2016). *Tafsir al-Imamayn Jalalayn*. Beirut: Dar Ibn Kathir.
20. Ibn Manzur al-Misri. (n.d.). *Lisan al-Arab*. Beirut: Dar al-Sadir.
21. Muradov, D., & Mahmasobirova, F. (2019). *Narrative Genre in Hadith Literature. Lessons of Imam Bukhari*, No. 1.
22. Mu'jam al-Wasit. (2005). Cairo: Maktaba lishuruq ad-Dawliya.
23. Rashidov, A. (2024). *Quranic Sciences*. Tashkent: Munir.
24. al-Suyuti, Jalaluddin. (2008). *Itqan fi Ulum al-Qur'an*. Beirut: Mu'assasa ar-Risala.
25. al-Khatib, A. (1975). *Qisas al-Qur'an: Logic and Concept*. Beirut: Dar al-Ma'arifa.
26. Khaldarov, D. (2017). *The Problem of Artistic Style in Contemporary Uzbek Short Stories (Based on the Short Stories of Shoyim Botaev and Nazar Eshonqul)*. Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in Philology. Tashkent: Science and Education Polygraph.
27. Khalid Suleiman. (1996). *Ash-Shakhshiyat fi al-Qisas al-Qur'ani*. Irbid: Jamia' al-Yarmuk.
28. Khalidi, Caloh. (n.d.). *Al-Qasas al-Qur'ani*. Damascus: Dar al-Kalam.
29. Hamdi, edited by Mahmoud. (1999). *Al-Mawsu'a al-Qur'aniyya al-Mutahassisa*. Cairo: Al-Azhar.
30. Tahir, Hamid Ahmad. (2023). *Quranic Stories (Translator: A. Zayriev)*. Tashkent: Shamsuddin Khan Bobokhanov.
31. Sharqawi, Ahmed Mohammad. (2001). *Al-Mar'a fi al-Qisas al-Qur'an*. Cairo: Dar al-Salam.
32. Mu'jam Mustalahat al-Ulum ash-Shar'iyyah. (2017). Riyadh: Maktaba al-Malik Fahd al-Watani. Shermurodov, T. Qissalar, alqissalar... Retrieved from [<http://www.e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/550-maqola.html>].
33. (2017). Riyadh: Maktaba al-Malik Fahd al-Watani. Shermurodov, T. Stories, Stories... Retrieved from [<http://www.e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/550-maqola.html>].



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ МАРКАЗИНИНГ
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг
профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм

3/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**

Муҳаррир: **З.Фахриддинов**

Нашр учун масъул: **З.Арслонов**

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**

Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 16.10.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 1/8.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 23/1.

Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»

МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.

100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.